

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИДА МУЛОҚАТ ЖАРАЁНИНИ ШАКЛЛАНТИНИНГ ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ

А. Манкеева ¹, С. Нажиева ²

Аннотация:

Мақолада бошланғич синф ўқитувчиси мулоқоти қандай бўлиши кераклиги. Мулоқот маданиятини юқори даражада ривожлантириш ва бунинг учун турли воситалар, усуллар қўллаш ва шу маданиятни ўстириш ўқитувчининг маданиятига боғлиқ эканлиги. Шунинг учун ҳозирги кунда бошланғич синф ўқитувчиси фаолиятида унинг педагогик маҳоратига алоҳида эътибор бериш кераклиги ҳақида гап кетади.

Калит сўзлар: мулоқот, маданият, восита, ўқитувчи, таълим, тарбия, маҳорат, бола, муомала.

doi: <https://doi.org/10.2024/hs9bzs59>

Дарҳақиқат, узлуксиз таълим тизимида бўлажак мутахассисларнинг педагог коммуникатив фаолиятини шакллантириш масалалари ҳозирги кунимизнинг энг долзарб масалаларидан бири саналади. Бўлажак касб эгалари давлат стандартларига тўлиқ жавоб бера оладиган етук мутахассис бўлиши керак, бунинг учун замонавий таълим технологиясини чуқур эгаллаган, маънавий маъданий жиҳатдан камолга йетган, илмий иқтидорли бўлишни тақозо етмоқда. Ўқитишнинг самарадорлигини оширишда бошланғич синф ўқитувчисининг коммуникатив фаолияти муҳим рол ўйнайди.

Бошланғич синф ўқитувчиси – боладан етук инсонни вояга етказди. Шу жараёнда боланинг бутун фаолияти, таълими, тарбияси билим ва муомаласи ўқитувчининг диққат марказида туради. Албатта буларнинг барчаси таълим тарбиянинг мулоқоти орқали амалга ошади. Ўқитувчининг барча ёмон ва яхши ҳислатлари унинг ўқитадиган предмети орқали ўқувчи онгига кўчади. Мулоқот маданиятини юқори даражада ривожлантириш ва бунинг учун турли воситалар, усуллар қўллаш ва шу маданиятни ўстириш ўқитувчининг маданиятига боғлиқ. Шунинг учун ҳозирги кунда бошланғич синф ўқитувчиси фаолиятида унинг педагогик маҳоратига алоҳида эътибор берилмоқда.

Бошланғич синф ўқитувчиси муаффақиятли иш олиб бориши учун ундан юксак коммуникатив маданият ва катта бардош талаб етилади. Ўқитувчи ўқувчи билан муомалага киришар экан, унинг ички дунёсига кира олмаганлиги сабабли муаффақиятсизликка учрайди. Педагогик жараёнда муомаланинг роли жуда каттадир. Муомала – ҳамкорлик фаолиятининг эҳтиёжидан вужудга келиб чиқувчи шахслараро мулоқат ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Муомала ушбу таркиблардан ташкил топади:

¹ Манкеева Анаркуль Джумабековна, Қирғизстон Республикаси Бишкек шаҳри Қирғиз-Қозоқ Университети "Лингвистика ва Педагогика" кафедраси катта ўқ.

² Нажиева Сожида Насирдиновна, СамДЧТИ "Педагогика ва психология" ассистент ўқитувчиси

1. Коммуникативлар (бир томонлама ахборот узатишдир).
2. Интерактивлар (икки томонлама ўзаро таъсир).
3. Перцептивлар (ўзаро бир-бирини идрок қилишлар).

Муомала ўз ичига ҳамкорлик фаолияти қатнашчилари билан ўзаро ахборот алмашинувини қамраб олган бўлиб, коммуникатив жараён сифатида тавсифланади. Одамлар бир-бири билан мулоқатга киришиш жараёнида муомаланинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланиши тилга ва нутқ фаолиятига бевосита мурожаат қилади. Муомаланинг иккинчи томони мулоқатга киришувчиларнинг ўзаро таъсири уларнинг нутқ фаолиятида нафақат сўз орқали фикр алмашинуви, балки ҳатти-ҳаракати ва хулқ-атвори билан ўзаро таъсир ўтқазишдир. Мулоқат фаолияти шундай шарт-шароитки, унда ҳар бир шахснинг индивидуаллиги, бетакрорлиги, билимлар билан тасаввурларнинг хилма-хиллиги намоён бўлади.

Ҳар бир инсоннинг ижтимоий тажрибаси, унинг инсоний қиёфаси фазилатлари ва ҳаттоки нуқсонлари мулоқат, коммуникацион жараённинг маҳсулидир. Коммуникация, мулоқотнинг асосий функцияси суҳбатдошларга ахборот узата билиш, улар ўртасидаги бир-бирини тушунишларини таъминлашдир. Коммуникация ва мулоқот шулар билан бирга одамни у ёки бу фаолиятга ҳозирлайди, руҳлантиради. Коммуникация ва мулоқот одамларнинг жамиятда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларининг ички психологик механизмини ташкил этади. Ижтимоий психологияда психологик таъсирнинг асосан уч воситаси фарқланади.

1. Вербал таъсир - бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъсиримиздир.

2. Параленгвистик таъсир - бу нутқнинг атрофидаги нутқ безовчи уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар.

3. Новербал таъсир - “сўзсиз” таъсир етиш. Бунда суҳбатдошларнинг фазода бир - бирига нисбатан тутган ўринлари, ҳолатлари, қилиқлари, мимика, пантамимика, қарашлар, бир - бирини бевосита ҳис қилишлар, ташқи қиёфа, ундан чиқаётган турли сигналлар (шовқин, ҳид) киради.

Кўриниб турибдики, Ўқитувчининг педагогик фаолиятида муомалаларнинг роли жуда катта ва педагогдан ўз коммуникатив фаолиятини моҳирлик билан бошқаришни талаб этади. Бу ўз навбатида педагогда қатор коммуникатив муомала кўникмалари мавжуд бўлишини тақозо этади. Булар қуйдагилар:

1. Кишилар билан муомала қила олиш кўникмалари,

2. Тўғри ташкил етилган муомала тизими орқали ўқувчилар билан ижодий ҳамкорлик фаолиятини уюштириш.

Бошланғич синф ўқитувчиларида коммуникатив фаолиятни шакллантиришнинг муайян тизими қуйдагилар:

- ҳамкорлик иштирокчиларининг ўзаро ахборот алмашинуви:

- турлича коммуникатив воситалар (телефон, телеграф, компьютер ва ҳ) ёрдамида ўқитувчи томонидан ўқувчи билан ўзаро таъсир ва ўзаро муносабатни ташкил қилиш;

- муайян мақсадни дастурий асосида амалга оширишни режалаштириш ва ўтқазиш функциясини бажаради.

Коммуникатив фаолиятни тарбиялаш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга қуйдаги хусусиятларни шакллантиради.

- Ўз - ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилиш;

- Ўз - ўзини ва бошқалар фаолияти ҳамда хулқини баҳолаш;

- ўз - ўзини ва ўзгаларни тушуниш;

- ўз - ўзини бошқариш;

- ўз ўзини такомиллаштириш;

- воқеълик маҳсулини олдиндан башорат қилиш шаклланади.

Ўқитувчининг нутқ маданияти коммуникатив фаолиятининг асоси ҳисобланади. Тилнинг назарий масалалари қанчалик ишланган меъёрий белгиланган бўлмасин, уларни ўрганишда, улардан фойдаланиш ва кўникмалар ҳосил қилишда лоқайдлик, бепарволик, ҳатто масулияцизликка йўл қўйиш, бугунги кун ўқитувчисига хос бўлмаган фазилатдир. Шундай экан, она тилимизга нутқимиз маданиятига юксак талаблар билан ёндашишимиз, сўзлашиш ва ёзиш жараёнида унинг барча меъёрий талабларига қатъий риоя қилишимиз, гўзал муомала одобини йўлга қўйишимиз ва шу орқалигина ўзимиз тарбиялаётган ёшларга намуна бўлишимиз ва таъсир ўтказишимиз бугунги кунимизнинг асл талабидир.

Дехқон ниҳолини парвариш қилади, улғайтиради, ўстиради. Бошланғч синф ўқитувчиси эса мурғак болани ўқишга, ёзишга ўргатади, таълим тарбия беради. Демак, бошланғич синф ўқитувчиси, тарбиячи, ўқувчиларни парвариш қилиши, улардаги яхши фазилатларни таркиб топтириши, ёмон фазилатларни бартараф қила олиши керак.

Ўқув – тарбия фаолиятини моҳирлик билан уддалаши учун ўқитувчи бир қатор касбий - педагогик фазилатларни ўзида шакллантириши лозим. Ўқитувчининг касбий - педагогик фазилатлари умуминсоний ва миллий ахлоқ одобнинг қонуниятлари, тушунчалари, мезонларидан ташкил топади. Ўқитувчи фаолиятининг самарадорлиги ҳам худди шундай фазилатлар билан белгиланади. Мактабда бошланғич синф ўқитувчилари қуйдаги фазилатларга ега бўлиши лозим

1. Педагогик маҳорат фазилатлари.
2. Ахлоқий фазилатлари.
3. Ўзини – ўзи тарбиялаш фазилатлари.

Юқоридаги фазилатларни ўзида мужассам этган ўқитувчигина бугунги кун талабига мос равишда иш юритадиган моҳир педагог бўла олади. Лекин бугунги кунда ҳамма педагоглар талаб даражасига жавоб бера олмаётганликлари ачинарли ҳол. Биз юқорида кўриб ўтганимиздек, муомала ўқитувчи фаолиятида энг муҳим аҳамиятга эга ҳозирги кун ўқитувчиларида эса муомала одобини, нутқ маданияти яхши ривожланмаган. Педагогик муомала педагогик таъсирнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади ва у ижодий жараёнда содир бўлади ҳамда такомиллашиб боради. Кузатишлар шундан далолат бердики, бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик ночорликларини аксарият қисми уларнинг методик тайёргарлигидаги камчиликлар билан боғланмасдан балки касбий педагогик мулоқатнинг шаклланмаганлиги билан боғлиқдир. Бунинг учун ўқитувчи ўз устида кўпроқ ишлаши, изланиши, янги усуллари, технологияларини тадбиқ қилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. “Узлуксиз таълим тизимига бўлажак мутахассисларнинг педагогик коммуникатив фаолиятини шакллантириш муоммолари” 22-24б. Самарқанд СамДУ. 2001й
- [2]. “Бўлажак ўқитувчиларни миллатлар аро мулоқат маданиятини шакллантиришга тайёрлашга доир услубий тавфсиялар” 33б Самарқанд: СамДУ-1991-й.
- [3]. Ўқувчи ёшлар тарбиясини такомиллаштириш масалалари Самарқанд. Сам.ДУ-1996-5-б.